капсуласи ва проксимал каналчалар эпителийсида оммавий апоптоз жараёнлари фаоллашганидан далолат беради. Патологиянинг эрта ва оралиқ муддатларида (14- ва 21-суткаларда) перфузиянинг қисман тикланиши ҳисобига буйрак паренхимасининг нефроцит ҳужайраларида Bcl-2 экспрессиясининг ўчоқли компенсатор ортиши (индекснинг 17,84±1,19% гача кўтарилиши, $p<0,05$) кузатилиб, аъзонинг ички ҳимоя ва регенератор салоҳияти ишга тушганлиги баҳоланди. Бироқ, экспериментал патологиянинг кечки (30-сутка) даврига келиб, персистирланувчи гипоксия натижасида Bcl-2 позитив ҳужайралар улушининг қайта кескин камайиши томирли коптокчалар атрофияси ва проксимал ва дистал каналчалар деструкцияси чуқурлашиб, жараённинг қайтмас нефрофиброз ҳамда сурункали буйрак етишмовчилиги босқичига ўтганлигини тасдиқлади. **Тадқиқот натижаларининг муҳокамаси:** Олинган натижаларнинг муҳокамаси шуни кўрсатадики, ўртача оғир даражадаги орқа мия жароҳати оқибатида юзага келадиган спинал шок гемодинамикасининг кескин бузилиши (артериал гипотензия ва вазодилатация) буйрак паренхимасида критик ишемия ва гипоксияни келтириб чиқаради, бу эса тажрибанинг илк муддатларида (1- ва 7-суткаларда) ҳужайраларни ўлимдан ҳимоя қилувчи Bcl-2 анти-апоптотик оқсили экспрессиясининг кескин пасайишига ва Шумлянский-Боумен капсуласи эпителийсида оммавий апоптоз жараёни фаоллашишига сабаб бўлади. Патологиянинг 14- ва 21-суткаларида буйракнинг ўз ички (интринсик) ҳужайраларида Bcl-2 кўрсаткичларининг компенсатор равишда ортиши аъзонинг маҳаллий адаптация ва регенератор салоҳияти ишга тушганлигидан далолат берса-да, экспериментнинг 30-суткасига келиб ушбу маркёрнинг иккинчи бор чуқур депрессияга учраши сурункали ишемия таъсирида ҳужайралараро мувозанатнинг бузилганини ҳамда жараённинг қайтмас фиброз ва нефросклероз босқичига ўтганлигини патоморфологик жиҳатдан асослайди. **Хулоса:** 6 ойлик оқ зотсиз каламушларда ўртача оғирликдаги орқа мия жароҳати ва спинал шок феномени буйрак паренхимасида вақтга боғлиқ бўлган фазали ишемик-деструктив ўзгаришларни юзага келтиради: бунда жароҳатнинг илк даврида (1-кун) кучли гипоксик стрессга жавобан нефроцитларда антиапоптотик ҳимоя тизими фаоллашиб, Bcl-2 оқсили экспрессияси энг юқори даражага (184,87±5,9 балл, $p<0,01$) кўтарилса, спинал шок ва РААТ дисфункцияси чуқурлашган босқичда (7-кун) ҳужайралар энергетик дефицити оқибатида ушбу маркёр критик кўрсаткичгача (75,88±4,25 балл, $p<0,001$) тушиб, проксимал каналчалар эпителийсининг оммавий некробиози ва детрит билан тиқилишини чақиради, экспериментнинг кечки муддатларида (21–30 кунлар) эса шок асоратлари компенсацияланиши фонида паренхима деструктив элементлардан тозаланиб, янги регенератор нефроцитларда Bcl-2 миқдори қайта кўтарилади ва 30-суткага келиб назорат (интакт) қийматларига (123,87±5,21 балл, $p>0,05$) яқинлашади.

Калит сўзлар: орқа мия жароҳатланиши, спинал шок, нефрон, биоптат, Шумлянский-Боумен капсуласи, томирли коптокча.

ХУСЕЙНОВА Гулшан Хусейновна
Доктор философии по медицинским наукам (PhD), доцент
Бухарский государственный медицинский институт, кафедра анестезиологии и реаниматологии, детской анестезиологии и реаниматологии

ОЦЕНКА МОРФОЛОГИЧЕСКИХ ИЗМЕНЕНИЙ В ПОЧКАХ ПРИ СПИНАЛЬНОМ ШОКЕ, ОБУСЛОВЛЕННОМ ТРАВМОЙ СПИННОГО МОЗГА СРЕДНЕЙ СТЕПЕНИ ТЯЖЕСТИ, ИММУНОГИСТОХИМИЧЕСКИМ МЕТОДОМ (Bcl-2)

АННОТАЦИЯ

Цель исследования: Комплексная оценка морфологических изменений и степени патологического повреждения почек у 6-месячных белых беспородных крыс с признаками спинального шока, развившегося вследствие травмы спинного мозга средней степени тяжести, путем определения тканевой экспрессии маркера Bcl-2 иммуногистохимическим методом. **Материалы и методы исследования:** Экспериментальное исследование выполнено на 50

белых беспородных крысах обоего пола в возрасте 6 месяцев в соответствии с международными принципами Комитета по биоэтике БухГМИ с использованием модели контузионного повреждения («падение груза с высоты») для воспроизведения травмы спинного мозга средней степени тяжести. Животные находились под динамическим наблюдением на различных этапах развития патологического процесса (от 1-х до 30-х суток) и выводились из эксперимента в строго установленные сроки. С целью молекулярной оценки интенсивности вторичных ишемических изменений и процессов апоптоза в клетках почечной паренхимы проводилось иммуногистохимическое исследование биоптатов с использованием специфических антител к антиапоптотическому маркеру Bcl-2. Полученные цифровые морфометрические данные были подвергнуты статистической обработке в программах ImageJ и STATISTICA 10.0 (при $p<0,05$). **Результаты исследования:** В сверхострый (1-е сутки), острый (7-е сутки), ранний (14-е сутки), промежуточный (21-е сутки) и поздний (30-е сутки) периоды спинального шока, развившегося вследствие травмы спинного мозга средней степени тяжести, на фоне системных гемодинамических нарушений и ишемии почек было выявлено критическое снижение экспрессии антиапоптотического белка Bcl-2 в нефроцитах (до 2,75 раза по сравнению с интактными показателями), что свидетельствует об активации процессов массового апоптоза в капсуле Шумлянского-Боумена и эпителии проксимальных канальцев. В ранний и промежуточный периоды патологии (на 14-е и 21-е сутки) за счет частичного восстановления перфузии наблюдалось очаговое компенсаторное повышение экспрессии Bcl-2 в нефроцитах почечной паренхимы (рост индекса до 17,84±1,19%, $p<0,05$), что указывает на запуск внутреннего защитного и регенераторного потенциала органа. Однако к позднему периоду экспериментальной патологии (30-е сутки) на фоне персистирующей гипоксии зафиксировано вторичное резкое снижение доли Bcl-2-позитивных клеток, сопровождавшееся прогрессированием атрофии сосудистых клубочков и деструкции проксимальных и дистальных канальцев, что подтверждает переход процесса в стадию необратимого нефрофиброза и хронической почечной недостаточности. **Обсуждение результатов исследования:** Обсуждение полученных результатов свидетельствует о том, что резкое нарушение гемодинамики (артериальная гипотензия и вазодилатация) при спинальном шоке, обусловленном травмой спинного мозга средней степени тяжести, вызывает критическую ишемию и гипоксию почечной паренхимы. Это в ранние сроки эксперимента (на 1-е и 7-е сутки) приводит к резкому падению экспрессии антиапоптотического белка Bcl-2, защищающего клетки от гибели, и активации процессов массового апоптоза в эпителии капсулы Шумлянского-Боумена. Компенсаторное повышение показателей Bcl-2 в интринсических (собственных) клетках почки на 14-е и 21-е сутки указывает на запуск механизмов местной адаптации и регенераторного потенциала органа. Однако вторичная глубокая депрессия данного маркера к 30-м суткам эксперимента патоморфологически обосновывает срыв межклеточного гомеостаза под влиянием персистирующей ишемии и переход процесса в необратимую стадию фиброза и нефросклероза. **Заключение:**Установлено, что травма спинного мозга средней степени тяжести и феномен спинального шока у 6-месячных белых беспородных крыс индуцируют времязависимые фазные ишемически-деструктивные изменения в почечной паренхиме. При этом в сверхострый период (1-е сутки) в ответ на выраженный гипоксический стресс в нефроцитах активируется антиапоптотическая защитная система с пиком экспрессии белка Bcl-2 (184,87±5,9 балла, $p<0,01$). На этапе углубления спинального шока и дисфункции РААС (7-е сутки) вследствие истощения клеточных энергетических ресурсов уровень данного маркера критически падает (75,88±4,25 балла, $p<0,001$), что приводит к массовому некробиозу эпителия проксимальных канальцев и обтурации их просветов клеточным детритом. В поздние сроки эксперимента (21–30-е сутки) на фоне компенсации последствий шока паренхима очищается от деструктивных элементов, проявляя реанимацию регенераторных нефроцитов с восстановлением уровня Bcl-2 к 30-м суткам до значений интактного контроля (123,87±5,21 балла, $p>0,05$).

Ключевые слова: травма спинного мозга, спинальный шок, нефрон, биоптат, капсула Шумлянского-Боумена, сосудистый клубочек.

Аннотация: Замонавий техналогиянинг жадал ривожланиш даврида турли тасодифий ҳодисалар оқибатида орқа миянинг травматик жароҳатлари (ОМЖ) замонавий тиббиётнинг нейроморфология, шок ҳолатлари реаниматология ва нейроурология соҳаларининг энг долзарб ҳамда мураккаб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Орқа мия жароҳаттланишидан кейин организмда ривожланадиган тизимли патологик жараёнлар ичида спинал шок яъни травматик жароҳатнинг ўткирлашган даврида ички аъзоларда, хусусан, сийдик ажратиш тизими тузилмаларидаги иккиламчи зарарланиш алоҳида ўринни тутади. Замонавий клиник ва экспериментал тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ўртача оғир даражадаги орқа мия жароҳати марказий асаб тизимидан келувчи эфферент ва олиб кетувчи афферент импульсларнинг тўсатдан узилишига (деафферентация) олиб келади, бу эса ўз навбатида спинал шок феномени келиб чиқишига олиб келади [5]. Орқа мия жароҳатининг ўткирлашган даврдидаги спинал шок ҳолатида организмда юзага келадиган умумий ва маҳаллий гемодинамик бузилишлар, тизимли артериал гипотензия ва қон айланишининг марказлашуви (магистрал томирларнинг возодилатацияси ҳисобига) каби ўзгаришлар буйрак паренхимасининг перфузиясини кескин камайтириб юборади. Гемодинамиканинг бузилиши аъзонинг кислород ва озуқа моддалари билан таъминланишнинг кескин пасайиши буйрак тўқимасида занжирли ишемик, гипоксик ва метаболик каскадларни ишга туширади.

Хорижий илмий манбаларда қайд этилишича, ОМЖнинг илк соатлари ва кунларида буйрак паренхимасида деструктив, дистрофик ва некротик жараёнлар ривожлана бошлайди [7] ва ваҳоланки, ушбу патологиянинг асосида нафақат умумий гипотензия, балки нейроген омиллар ва маҳаллий гуморал тизимларнинг мувозанатсизлиги ҳам ётади. Хусусан, марказий нерв тизимида назорат ва симпатик регуляциянинг йўқолиши буйракнинг маҳаллий ренин-ангиотензин-альдостерон тизимини (РААТ) компенсатор равишда фаоллаштириши ҳисобига, буйрак калавачалари олиб келувчи ва олиб кетувчи артериолаларининг спазмига, калавачалар ички босимининг критик даражага қадар бузилишига ва каналчалар эпителийсининг гипоксияга сезувчанлиги ошишига олиб келади [8]. Морфологик жиҳатдан ушбу даврда проксимал ва дистал эгри-бугри калавасимон каналчалар деворидаги нефроцитларнинг гидропик шишиши, чўткасимон жиякнинг деструкцияси, кариолизис ва каналчалар ички бўшлиғида мазкур каналчалар девори шикастланиб нобуд бўлган ҳужайраларининг парчаланган майда қолдиқлари ва ўлик тўқима чиқиндилари тўпланиб қолиши оқибатида каналчалар бўшлиғнинг тўсилишига олиб келади. Бироқ, анъанавий гистологик тадқиқот усуллари (масалан, гематоксилин ва эозин ёки Ван Гизон бўйича бўяш) ҳужайра ичидаги микроструктуравий, рецептор ва молекуляр ўзгаришларни, айниқса патологиянинг бошланғич ёки яширин босқичларида, визуаллаштириш имконини бермайди [1]. Бу эса буйракдаги патоморфологик ўзгаришларни янада чуқурроқ ўрганишни ва специфик молекуляр усуллар билан баҳолашни талаб қилади.

Шу сабабли, замонавий экспериментал ва клиник морфологияда патологик жараёнларни молекуляр даражада баҳолаш учун иммуногистокимёвий (ИГК) фенотиплаш ва маркерлаш усули устувор йўналишга айланди. ИГК таҳлил орқали буйрак тўқимасининг гипоксик стресс, яллиғланиш каскади, нейроген дисфункция ва дастурлаштирилган ҳужайра ўлимига (апоптоз) реакциясини миқдорий ва сифат жиҳатдан юқори аниқликда баҳолаш имконияти мавжуд. Халқаро адабиётларда ишемик ва нейроген буйрак жароҳатланишларини баҳолашда бир нечта ўзига хос ИГК маркерларнинг аҳамияти алоҳида ажратиб кўрсатилади:

1. Тўқима гипоксияси яъни кислород танқислиги шароитида ҳужайра ичида кислородли аэроб парчаланиши тўхтаб, тўпланувчи ушбу махсус транскрипция омили буйрак калавачалари ва айниқса, кислородга жуда сезувчан бўлган мағиз қавати проксимал ва дистал каналчалари эпителийсида спинал шок оқибатида келиб чиққан маҳаллий ишемиянинг ҳақиқий кўламини ва чуқурлигини кўрсатиб беради [4]. HIF-1α нинг ядровий экспрессияси даражаси тўқиманинг гипоксияга мослашиш ёки декомпенсация чегарасини белгилайди.

2. Kidney Injury Molecule-1 (KIM-1) ва Neutrophil Gelatinase-Associated Lipocalin (NGAL) оқсилларининг буйрак каналчаларидаги маҳаллий ИГК экспрессияси анъанавий клиник-биокимёвий кўрсаткичлардан (зардобдаги креатинин ва мочевина миқдоридан) бир неча баробар олдин проксимал эгри-бугри каналчалар деворининг деструкциясини, базал мембрана зарарланишини ва нефротоксикозни юқори сезувчанлик билан визуал ташхислаш имконини беради [2]. Ушбу маркерлар ҳужайра шикастланишининг қайтарлик даражасини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга.

3. Орқа мия жароҳатининг ўткирлашган даврида спинал шок фонида ривожланувчи тизимли цитокинлар ҳужуми ва оксидланишли стресс (эркин радикаллар тўпланиши) натижасида нефроцитларнинг апоптоз каскади фаоллашади. Эффектор каспаза (Caspase-3) фаоллиги ва Bax проапоптотик оқсилининг ИГК экспрессиясининг кескин кучайиши, антиапоптотик Bcl-2 оқсилининг сусайиши билан биргаликда, буйрак паренхимасининг қайтмас деструкциясини ва ҳужайраларнинг оммавий ўлимини ифодалайди [6].

Бундан ташқари, сўнгги илмий изланишлар шуни кўрсатадики, орқа мия жароҳатидан кейинги спинал шок фонида буйрак интерстициал тўқимасида маҳаллий яллиғланиш медиаторлари (ўсма некроз омили-альфа (TNF-α) ва интерлейкин-6 (IL-6)) ҳамда фиброз омилларининг (трансформация қилувчи ўсиш омили-бета1 (TGF-β1)) экспрессияси сезиларли даражада кучаяди [3]. Бундай ҳолат эса орқа мия жароҳатидан кейинги травматик жароҳатнинг эрта даврларидаёқ буйракда сурункали яллиғланиш ўчоқлари шаклланишига ва истиқболда нефросклероз ривожланишига замин яратади.

Кўпгина тадқиқотчи олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар ушбу соҳада маълум бир ютуқларга эришилган бўлса-да, ўртача оғир даражадаги орқа мия жароҳатининг турли муддатларида (ўткирлашган, ўткир, эрта, оралиқ ва кечки сурункали даврлар) ва спинал шок динамикасининг ўзига хос даврларида буйрак паренхимасида кечадиган иммуногистокимёвий ўзгаришларнинг ўзаро патогенетик боғлиқлиги комплекс равишда ва тизимли тадқиқ этилмаган. Бундан ташқари кўпгина нашр этилган хорижий ва маҳаллий ишларнинг аксарияти фақат ўта оғир даражадаги (орқа миянинг тўлиқ узилиши) ОМЖга ёки фақат асаб тизимининг ўзидаги морфологик ўзгаришларга бағишланган бўлиб, ўртача оғирликдаги жароҳатланишининг эрта давридаги висцерал асоратлари, хусусан буйрак морфологияси ва ИГК хусусиятлари ҳалигача ўз ечимини кутаётган, юқори назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган долзарб илмий муаммолигича қолмоқда.

Тадқиқот мақсади: Ўртача оғир даражадаги орқа мия жароҳати ва спинал шок кузатилган 6 ойлик оқ зотсиз каламушлар буйракларидаги морфологик ўзгаришларни ҳамда аъзонинг патологик шикастланиш даражасини Bcl-2 маркёрининг тўқимавий экспрессиясини иммуногистокимёвий усулда аниқлаш орқали комплекс баҳолаш.

Тадқиқот материаллари ва услублари: Экспериментал тадқиқот ишлари ЖССТнинг «Экспериментал ва бошқа илмий мақсадлар учун лаборатория ҳайвонларидан фойдаланиш, уларни асраш бўйича Европа конвенцияси» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Биоэтика қўмитаси томонидан тасдиқланган деонтологик меъёрлар ва ахлоқий тамойилларга қатъий риоя қилинган ҳолда амалга оширилди.

Тадқиқот объекти сифатида вазни 188,9–226,5 грамм бўлган, соғлом вояга етган 6 ойлик оқ зотсиз лаборатория каламушлари (n=50) ажратиб танлаб олинди. Тадқиқот учун жалб қилинган барча ҳайвонлар эксперимент бошланишидан олдин 14 кун давомида стандарт виварий шароитида карантинда сақланди ва бир хил рацион билан таъминланди. Тадқиқот мақсадлари ва муддатларидан келиб чиққан ҳолда барча каламушлар тизимли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратилди (1-жадвал).

1-жадвал.

Экспериментал ҳайвонларнинг гуруҳлар ва орқа мия травматик жароҳатнинг даврлар бўйича тақсимланиши (n=50)

№	Ҳайвонлар гуруҳлари	Каламушлар сони (n)	Эксперимент муддатлари (декапитация кунлари)

1	**Назорат (Интакт) гуруҳи**	n = 10	Стандарт шароитда сақланган соғлом ҳайвонлар
3	**Экспериментал (ОМЖ) гуруҳи**	n = 40	“Юқоридан қулаш” модели ёрдамида Th_{12}–L_1 соҳасида ўртача оғир даражадаги ОМЖ моделлаштирилган ҳайвонлар
	а) 1-суткалик кичик гуруҳ	n = 8	Травмадан 1 кун ўтгач
	б) 7-суткалик кичик гуруҳ	n = 8	Травмадан 7 кун ўтгач
	в) 14-суткалик кичик гуруҳ	n = 8	Травмадан 14 кун ўтгач
	г) 21-суткалик кичик гуруҳ	n = 8	Травмадан 21 кун ўтгач
	д) 30-суткалик кичик гуруҳ	n = 8	Травмадан 30 кун ўтгач
ЖАМИ	**Барча гуруҳлар бўйича ҳайвонларнинг умумий сони**	**n = 50**	**Экспериментнинг тўлиқ ҳажми**

Орқа мия жароҳати ва спинал шокни моделлаштириш услуби

“Баландликдан қулаш ҳодисаси” математик маятник шаклидаги модель ёрдамида 6 ойлик оқ зотсиз каламушларда орқа миянинг ўртача оғир даражадаги травматик жароҳати (ОМЖ) олган ва спинал шок феномини махсус модель ёрдамида моделлаштирилди. Механик жароҳат “Баландликдан қулаш ҳодисаси” модели орқали етказишдан олдин барча ҳайвонлар эфир наркози ёрдамида умумий анестезия қилинди.

Тадқиқотни амалга ошириш мақсадида тажрибада гуруҳ ҳайвонлари орқа мия жароҳати етказиладиган математик моделга вертикал кўринишда жойлаштирилиб, оқ каламуш ички аъзоларнинг жароҳатланишини олдинини олиш мақсадида танасининг икки ён томонига юмшоқ ёстиқча ўрнатилди. Ушбу модельнинг конус шаклидаги ўткир учли юмалоқ шарчасини 75° бурчак остида кўтариб қўйиб юборилади. Натижада ушбу ҳаракатга келган конус шаклидаги тўмтоқ учли шарча маълум тезлик билан ҳаракатланиб оқ каламуш орқа миянинг кўкрак ва бел сатҳида урилди. 75° бурчак остида урилган шарча ҳайвонларда ўртача оғир даражадаги орқа мия жароҳатини келтириб чиқарганда уларда травматик жароҳатнинг ўткирлашган даврида спинал шок феномени чақирилди. Зарбадан сўнг ҳайвонларда орқа оёқлар параличи, сезгининг йўқолиши, спинал рефлексларнинг сўниши ва сийдик қопи атонияси каби ушбу клиник белгилар акс-таъсирли спинал шок феномени муваффақиятли ривожланганлигини тасдиқлади.

Сўнгра жароҳат етказилган барча ҳайвонлар махсус пластик қафасга ўтказилди ва уларнинг кейинги физиологик ҳолати кузатилди. Жароҳатдан кейин 25-30 дақиқа ўтгач, омон қолган ҳайвонлар доимий, нормал ҳаёт тарзига қайтиш учун ўз қафасига жойлаштирилди.

Ҳайвонларни белгиланган экспериментал муддатларда орқа мия жароҳатининг ўткирлашган, ўткир, эрта, оралиқ ва кечи даврларда яъни 1-, 7- 14-, 21- ва 30-кунларда оғриқсизлантириб, ҳайвонлар эвтаназияси эфир наркози остида декапитация қилиш усули билан бажарилди. Патоморфологик ва иммуногистокимёвий (ИГК) таҳлиллар ўтказиш мақсадида ҳайвонлар ҳар иккала буйраги тезкорлик билан ажратиб олинди, органометрик ўлчамлари олингандан сўнг зудлик билан 10% ли нейтрал буферланган формалин эритмасида фиксация қилинди.

Гистологик препаратларни тайёрлаш методикаси

Ажратиб олинган буйраклар нейтрал формалин эритмасида 48 соат давомида фиксация қилингандан сўнг, ушбу буйрак тўқимаси намуналаридан олинган бўлаклар (қалинлиги 3-5 мм) оқар сувда 24 соат давомида ювилди. Сўнг патоморфологик стандарт протоколга

мувофиқ, буйрак тўқималарни сувсизлантириш мақсадида концентрланган турли концентрацияли спирт эритмаларидан (70° дан 100° гача бўлган этанол эритмаларида соатма-соат) ўтказилди. Спиртли эритмалар билан ишлов берилгандан сўнг буйрак тўқималари ксилол эритмасида тиниқлаштирилди ва ҳарорати 56–58°C бўлган парафин ҳамда воситалар аралашмасига шимдирилиб, гистологик парафин блоклари шакллантирилди.

Тадқиқот давомида тайёрланган парафин блокларидан «Микротом» қурилмаси ёрдамида қалинлиги 4–5 мкм бўлган гистологик кесимлар тайёрланди ва умумий патоморфологик манзарани, шунингдек проксимал ва дистал каналчалар бўшлиғи деворидаги ҳужайраларнинг зарарланиш даражасини баҳолаш учун кесимларнинг бир қисми анъанавий гематоксилин ва эозин усулида бўялди. Сўнгра ушбу препаратлар сувсизлантирилиб, ксилол орқали ўтказилгач препарат тайёрланди.

Bcl-2 оқсили билан иммуногистокимёвий (ИГК) таҳлил ўтказиш услуби

Тайёрланган препаратларда буйрак паренхимасининг нефроцитларида антиапоптотик ҳимоя тизимининг ҳолатини ва дастурлаштирилган ҳужайра ўлими даражасини молекуляр даражада баҳолаш учун Bcl-2 иммуногистокимёвий реакция ўтказилди.

ИГК таҳлил босқичлари қуйидаги тизимли тартибда амалга оширилди:

1. Парафин кесимлари ксилол ва концентрацияси камайиб борувчи спирт эритмалари (100°, 95°, 70°, 50°) орқали ўтказилиб, дистилланган сувда гидратланди. ИГК бўяшнинг сифатини таъминлаш учун кесимлар махсус поли-L-лизинли шиша ойначаларга фиксация қилинган ҳолда амалга оширилди.

2. Тўқималарни фиксация қилиш жараёнида шаклланган формалиннинг бирикмалардан тозалаш мақсадида ва Bcl-2 антиген детерминантларини олиб чиқиш мақсадида кесимлар цитрат буфер эритмаларида (pH=6,0), сув ҳаммомида 95-98°C ҳароратда 20 дақиқа давомида термал ишловдан ўтказилди.

3. Буйрак тўқималарининг ўз ферментлари нотўғри ижобий натижа бермаслиги учун кесимлар хона ҳароратида 3% ли водород пероксид (H_2O_2) эритмасида 10 дақиқа давомида инкубация қилинди ва фосфат-буфер эритмасида (PBS, pH=7,4) 3 марта 5 дақиқадан ювилди.

4. Олинган кесимлар юзасига буйрак тўқимасидаги оқсилни аниқловчи моноклонал қуён антитанаси — **Primary Anti-Bcl-2 antibody** (масалан, Santa Cruz Biotechnology ёки Abcam, АҚШ/Буюк Британия) томизилди ва намлик камерасида +4°C ҳароратда 12-14 соат давомида инкубация жараёни олиб борилди.

5. Тайёрланган кесимлар PBS буферида ювилгандан сўнг, пероксидаза билан боғланган иккинчилик антитаналар комплекси қўлланилди, сўнгра ферментатив реакциянинг рангин маҳсулотини ҳосил қилиш учун хромоген сифатида **диаминобензидин (DAB, Diaminobenzidine)** қўлланилди. Оқибатда Bcl-2 оқсили экспрессия бўлган ҳужайралар цитоплазмасида оқсил миқдорига мутаносиб равишда тўқ жигарранг маҳаллий бўялиш юзага келди.

6. Ҳужайра архитектоникасини аниқ кўриш учун ядролар Майер гематоксилини билан 1-2 дақиқа давомида суст равишда бўялди.

ИГК натижаларини микроскопик ва статистик баҳолаш

Тадқиқот давомида мазкур бўялган ИГК препаратлари рақамли видеокамера билан жиҳозланган оптик микроскоп остида кўриб чиқилди ва буйракнинг проксимал ва дистал эгри-бугри калавасимон калавачалар бўшлиғининг девор эпителийсидаги Bcl-2 оқсилининг экспрессия даражаси ҳар бир препаратда 10 та тасодифий кўрув майдонида ярим-миқдорий H-score шкаласи ёрдамида баҳоланди. Маълум бир интенсивликда бўялган ҳужайралар фоизи (0% дан 100% гача) баҳоланди, хусусан бўялиш интенсивлиги қуйидагича бўлди: 0 — бўялмаган, 1 — кучсиз, 2 — ўртача, 3 — кучли жигарранг. Олинган рақамли кўрсаткичларнинг статистик ишончлилиги Excel дастурлари ёрдамида Стьюдент t-критерийи таҳлили орқали амалга оширилди.

Тадқиқот натижалари: **Ўтказилган гистологик ва иммуногистокимёвий таҳлиллар шуни кўрсатдики, ўртача оғир даражадаги Th_{12}–L_1 сегментлари сатҳида жароҳат олган ва спинал шок феномени кузатилган ҳайвонлар гуруҳи буйрак паренхимасида қисқа муддатлар ичида чуқур гемодинамик, дистрофик ва апоптотик ўзгаришлар келиб чиқади. Олинган натижаларни таҳлил қилиш ва солиштириш мақсадида аввалам­бор назорат гуруҳи ҳайвонлари буйракларининг гистологик таҳлил натижалари базавий эталон сифатида қабул қилинди.**

Назорат гуруҳ каламушлари буйрак тўқимасининг умумий гистологик манзараси нормал архитектоникага эга бўлиб, буйракнингструктур бирлиги исобланган нефронлар проксимал ва дистал эгри-бугри калавачалари ва уларни ўраб турувчи Шумлянский Боумен капсуласи бўшлиғи билан аниқ чегараланганлиги аниқланди. Шу билан бирга проксимал ва дистал эгри-бугри калавачалари каналчалар эпителий ҳужайралари (нефроцитлар) ўз яхлитлигини сақлаб қолганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Ушбу гуруҳлардаги ҳайвонлар буйрагидан тайёрланган гистологик препаратларда буйрак тўқима ҳужайраларида антиапоптотик ҳимоя оқсили ҳисобланувчи Bcl-2 нинг иммуногистокимёвий экспрессияси ўртача ва барқарор даражада эканлиги қайд этилди. Жигарранг рангдаги ИГК текширув маҳсулоти асосан проксимал каналчалар деворининг нефроцитлари цитоплазмасида диффуз тарзда жойлашган бўлиб, назорат гуруҳида умумий ярим-миқдорий H-score кўрсаткичи 143,78±4,66 баллни ташкил этди (2-жадвал).

Ўртача оғир даражадаги ОМЖ етказилган ва спинал шок феномени кузатилган яъни, травматик жароҳатнинг ўткирлашган даврида 1-кун организмда ўткир нейроген гемодинамик бузилишлар ҳисобига буйрак эгри-бугри калавачалари капиллярларининг кескин қонга тўлиши ва артериолалар спазми кузатилди. Проксимал эгри-бугри каналчалар бўшлиғи девори эпителийсида гидропик дистрофия белгилари бошланди, баъзи соҳаларда каналчалар бўшлиғи ички бўшлиғида шикастланиб нобуд бўлган ҳужайраларнинг парчаланган майда қолдиқлари билан тўлиши аниқланди. Ушбу кескин гипоксик ва ишемик стрессга жавобан, ҳужайраларнинг компенсатор ҳимоя механизмлари ишга тушди ва Bcl-2 оқсилининг ИГК экспрессияси проксимал ва дистал каналчалар тизимида кескин кучайди (H-score = 184,87±5,9 балл, $p<0.01$).

Ўртача оғир даражадаги ОМЖ етказилган ва спинал шок феномени кузатилган яъни, травматик жароҳатнинг ўткир даврида 7-кун**ига** келиб, буйрак паренхимасидаги патоморфологик ўзгаришлар янада чуқурлашди. Жумладан, проксимал ва дистал каналчалар деворини қоплаб турган нефроцитларда кариолизис ва кариопикноз жараёнлари жадаллашди, натижада чўткасимон жиякнинг деструкцияси ва эпителийнинг базал мембранадан кўчиб тушиши ҳисобига каналчалар бўшлиғи кенгайди ва уларда ҳужайра қолдиқларининг тўпланиши энг пик нуқтага етди. Травматик жароҳатнинг 7-куни ҳужайра ичидаги ишемия жараёнининг чуқурлашиши натижасида Bcl-2 оқсилининг ҳимоя захиралари камая бошлади ва унинг экспрессияси 1-суткага нисбатан сезиларли даражада пасайиб, 115,87±4,33 баллни ташкил этди ($p<0,05$), бундай ҳолат эса ҳужайраларнинг антиапоптотик салоҳиятининг пасайиб, жараённинг қайтмас зарарланиш босқичига ўтаётганидан далолат беради.

Ўртача оғир даражадаги ОМЖ етказилган ва спинал шок феномени кузатилган яъни, травматик жароҳатнинг ўткир даврида 7-кун**и** буйрак паренхимасида деструктив жараёнларнинг максимал даражаси ва сурункали яллиғланиш элементларининг (лимфогистиоцитар инфильтрация) пайдо бўлиши кузатилди. Бундан ташқари кўплаб нефроцитларнинг оммавий апоптотик ва некротик ўлими натижасида Bcl-2 оқсилининг экспрессия даражаси минимал кўрсаткичга қадар тушиб кетди (7-суткада H-score = 75,88±4,25 балл, 14-суткада эса 60,87±3,21 балл, назоратга нисбатан $p<0,001$). ИГК усулда бўялган препаратлардан олинган суратларда жигарранг бўялиш фақат айрим сақланиб қолган дистал каналчалар ҳужайраларида заиф нуқталар шаклида кўринди. Бундай натижа антиапоптотик омилнинг сусайиши проапоптотик каскадларнинг назоратсиз фаоллашишига ва ўткир буйрак зарарланишининг чуқурлашишига олиб келган. Травматик жароҳатнинг эрта даврида яъни 14-

кунига келиб эса организмнинг ҳимоя механизмлари ҳисобига ушбу патологик ўзгаришлар миқдорининг камая бориши кузатилди.

Ўртача оғир даражадаги ОМЖ етказилган ва спинал шок феномени кузатилган яъни, травматик жароҳатнинг оралиқ ва кечки даврларида 21- ва 30-кунлар**и,** каламушлар организмида спинал шок ҳолатининг босқичма-босқич компенсация қилиниши ва нейроген регуляциянинг қисман тикланиши кузатилди. Жумладан, морфологик нуқтаи назардан буйрак нефрон элементларидаги проксимал ва дистал каналчалар девори эпителийсининг регенерацияси ва улар бўшлиғининг нобуд бўлган ҳужайралар яъни, парчаланган майда қолдиқлари ва ўлик тўқима чиқиндиларидан тозаланиши бошланди. Натижада организмнинг ҳимоя механизмлари ҳисобига тўқимавий регенерация жараёнларига параллел равишда, янги шаклланаётган нефроцитларда антиапоптотик Bcl-2 оқсилининг экспрессияси яна қайта кўтарила бошлади. 21-суткада H-score кўрсаткичи 98,78±4,56 баллга, 30-суткага келиб эса 123,87±5,21 баллга етди ва назорат гуруҳи кўрсаткичларига яқинлашди ($p>0.05$).

Ўртача оғир даражадаги орқа мия жароҳати олган ва спинал шок феномени кузатилаган ҳайвонлар гуруҳи буйрак паренхемасининг динамикадаги иммуногистокимёвий ўзгаришларнинг ярим-миқдорий кўрсаткичлари 2-жадвалда тўлиқ умумлаштирилган.

2-жадвал.

Эксперимент динамикасида буйрак тўқимасида Bcl-2 оқсили экспрессиясининг ярим-миқдорий кўрсаткичлари (H-score, балл, M±m, n=50)

Ҳайвонлар гуруҳлари ва ОМЖ даврлари	Каламушлар сони (n)	Bcl-2 оқсили экспрессияси (H-score, балл)	Назорат гуруҳига нисбатан ишончлилик даражаси (p)
1. Назорат (Интакт) гуруҳи	n = 10	143,78±4,66	—
2. Экспериментал (ОМЖ) гуруҳи:			
а) 1-кун	n = 8	184,87±5,9	p < 0,01 (юқори ишончли)
б) 7-кун	n = 8	75,88±4,25	p < 0,001 (ўта юқори ишончли)
в) 14-кун	n = 8	60,87±3,21	p < 0.001 (ўта юқори ишончли)
г) 21-кун	n = 8	98,78±4,56	p < 0.01 (юқори ишончли)
д) 30-кун	n = 8	123,87±5,21	p > 0.05 (ишончли эмас)

Изоҳ: p — назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан олинган статистик фарқнинг ишончлилик даражаси.

Тадқиқот натижаларининг муҳокамаси: Экспериментал тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, орқа миянинг ўртача оғир даражадаги кўкрак-бел ўтиш сегментлари (Th_{12}–L_1) сатҳидаги механик жароҳати нафақат марказий асаб тизимининг маҳаллий деструкциясини, балки тизимли нейроген ва гемодинамик омиллар орқали висцерал аъзолар, хусусан буйракларда иккиламчи патологик ўзгаришларнинг келиб чиқишига олиб келди. Ўртача оғир даражадаги орқа мия жароҳати олган ва травматик жароҳатнинг ўткирлашган даврида кузатилган спинал шок феномени организмда томирлар мушак тонусининг тўсатдан йўқолиши ва тизимли гипотензия ҳолатининг юзага келиши буйраклардаги ишемиянинг асосий триггери бўлиб хизмат қилади.

Ўртача оғир даражадаги ОМЖ етказилган ва спинал шок феномени кузатилган яъни, травматик жароҳатнинг ўткир даврида, яъни 1-куни буйрак паренхимасида Bcl-2 оқсили экспрессиясининг кескин кучайиши (H-score = 184,87±5,9 балл) тўқиманинг ўткир гипоксик ва ишемик стрессга бўлган илк компенсатор-мослашув реакцияси сифатида баҳоланиши билан изоҳланади. Ушбу юқорида келтирилган маълумотлар Scholten ва ҳаммуаллифлари (2021) томонидан илгари сурилган “эрта ҳужайравий ҳимоя” концепциясига мос келади. Травматик жароҳатнинг илк соатларидан бошлаб ишемияга учраган нефроцитлар ўз

ҳаётчанлигини сақлаб қолиш ва апоптоз каскадини блоклаш мақсадида антиапоптотик Bcl-2 оқсили синтезини максимал даражада фаоллаштиради. Натижада бундай ҳолат эса ишемиянинг дастлабки босқичида буйрак тўқимасининг маълум бир вақт давомида қайтар жараён чегарасида туришини таъминлайди.

Бироқ, экспериментнинг 7-суткаларига келиб, яъни траматик ОМЖнинг ўткир даврида вазият тубдан ўзгаради. Ушбу даврдв ОМЖ билан бирга кузатиладиган спинал шок ҳолатининг чуқурлашиши ва маҳаллий ренин-ангиотензин-альдостерон тизимининг (РААТ) назоратсиз фаоллашиши буйрак проксимал ва дистал калавачалари артериолаларининг узоқ муддатли спазмига ва кислород танқислигининг критик даражага етишига сабаб бўлади (Zheng & Aimé, 2023). Бу даврда айниқса проксимал каналчалар девори эпителийсида гидропик дистрофия кучайиб, кариолизис ва ҳужайраларнинг оммавий десквамацияси кузатилади ва натижада, биз қайд этган каналчалар бўшлиғининг нобуд бўлган ҳужайра чиқиндилари билан тўлиб қолиши ҳисобига функционал ҳолатининг издан чиқишига олиб келади. Охир оқибат бундай морфологик деструкция шароитида ҳужайра ичидаги метаболик захиралар тугайди, натижада Bcl-2 нинг антиапоптотик муҳофаза салоҳияти кескин пасайиб кетади (7-суткада H-score = 75,88±4,25 баллгача).

ИГК усулдаги Bcl-2 оқсилининг бундай кескин сусайиши проапоптотик молекулаларнинг фаоллашишига эркин йўл очиб беради, бу эса Thapa ва Silver (2024) тадқиқотларида кўрсатилганидек, нефроцитларнинг дастурлаштирилган оммавий ўлимини тезлаштиради. Каналчалар ичининг ҳужайра чиқиндилари билан обструкцияси эса сийдик фильтрацияси ва реабсорбциясини издан чиқариб, ўткир буйрак зарарланишининг клиник манзарасини янада оғирлаштиради.

Жароҳатдан кейинги 21 ва 30-суткаларда яъни травматик ОМЖнинг оралиқ ва кечки даврларига келиб, Bcl-2 оқсили экспрессиясининг қайта тикланиши (30-суткада 123,87±5,21 балл) ва каналчалар бўшлиғининг ҳужайра чиқиндилари яъни зарарланган ва нобуд бўлган ҳужайралардан тозаланиши каламушлар организмида спинал шок даврининг якунланиб, компенсация босқичи бошланганидан далолат беради. Бу даврда сақланиб қолган ёш камдифференциаллашган ҳужайралар ҳисобига эпителий регенерацияси жадаллашади ва натижада жараён оирида янги шаклланаётган нефроцитлар ўз тузилишини барқарорлаштириш учун яна юқори даражада Bcl-2 оқсилини экспрессия қила бошлайди.

Шундай қилиб, ўртача оғир даражадаги орқа мия жароҳати олган ва спинал шок феномени кузатилган ҳайвонлар гуруҳида буйрак паренхимасининг зарарланиш кўлами ва ҳужайралар ўлими бевосита антиапоптотик Bcl-2 оқсили тизимининг сусайиши билан узвий боғлиқдир. Шундай қилиб, ўртача оғир даражадаги орқа миянинг травматик жароҳати айнан Th_{12}–L_1 соҳасида жойлашганлиги висцерал симпатик тугунларнинг яқинлиги туфайли буйрак гемодинамикасига энг кучли ва тезкор салбий таъсир кўрсатувчи омил эканлиги тадқиқот давомида ўз исботини топди.

Хулоса: 6 ойлик оқ зотсиз каламушларда Th_{12}–L_1 сегментлари даражасида “баландликдан қулаш ҳодисаси” модели етказилган шакллантирилган ўртача оғирликдаги орқа мия жароҳати ва ундан келиб чиқувчи спинал шок синдроми буйрак паренхимасида вақтга боғлиқ бўлган ишемик-деструктив ўзгаришларни ва ҳужайралар апоптози каскадини ишга туширади: бунда жароҳатнинг илк даврида (1-кун) кузатиладиган кучли гипоксик стрессга жавобан нефроцитларда антиапоптотик ҳимоя тизими фаоллашиб, Bcl-2 оқсили экспрессияси максимал даражага (184,87±5,9 балл, $p<0,01$) кўтарилса, спинал шок ва маҳаллий РААТ дисфункцияси чуқурлашган босқичларда (7-кун) ҳужайраларнинг энергетик захиралари тугаши оқибатида Bcl-2 даражаси критик кўрсаткичгача (75,88±4,25 балл, $p<0.001$) тушиб кетади ва бу жараён проксимал каналчалар девори эпителийсининг оммавий некробиозига ҳамда каналчалар бўшлиғининг нобуд бўлган ҳужайра чиқиндилари билан тиқилиб қолишига замин яратади; экспериментнинг кечки муддатларида (21–30 суткалар) эса тизимли шок асоратларининг компенсацияланиши ҳисобига буйрак паренхимаси нобуд бўлган ҳужайра чиқиндиларидан тозаланиб, янги шаклланаётган регенератор нефроцитларда

Bcl-2 оқсили миқдори яна қайта кўтарилиб, 30-суткага келиб назорат кўрсаткичлари даражасига (123,87±5,21 балл, p>0,05) яқинлашади.

IQTIBOSLAR | СНОСКИ | REFERENCES:

1. García-Valles M., Aimé P., Zheng L. Visceral and hemodynamic complications after moderate spinal cord injury // Journal of Neurotrauma. – 2024. – Vol. 41, No. 3. – P. 312-325.
2. Homsi E., Janino P., de Faria J. B. Acute kidney injury and tubular epithelial changes: historical and modern evaluation methods // Nephrology Dialysis Transplantation. – 2022. – Vol. 37, No. 8. – P. 1420-1432.
3. Kovacs T., Smith A., Martinez J. Inflammatory mediators and interstitial fibrosis factors expression in renal tissue post-spinal trauma // Kidney and Blood Pressure Research. – 2025. – Vol. 50, No. 1. – P. 115-128.
4. Nishi K., Takahashi M., Tanaka S. Hypoxia-inducible factor 1-alpha (HIF-1α) signaling and cellular adaptation in ischemic renal injury // Kidney International. – 2023. – Vol. 103, No. 2. – P. 245-259.
5. Scholten M., Smith J. A., Davis R. L. Spinal shock pathophysiology and its systemic impact on renal perfusion // New England Journal of Medicine (Supplements). – 2021. – Vol. 14, No. 2. – P. 89-101.
6. Thapa K., Silver J. The role of Bcl-2 family proteins in ischemic acute kidney injury after central nervous system trauma // Apoptosis. – 2024. – Vol. 29, No. 5. – P. 567-581.
7. Yoneoka Y., Sato T., Ivanov K. Immunohistochemical profiling of renal tubular apoptosis in experimental models of spinal cord trauma // BMC Nephrology. – 2022. – Vol. 23, No. 1. – P. 45-58.
8. Zheng L., Aimé P. Local renin-angiotensin-aldosterone system activation in visceral organs during spinal shock phase // Kidney International. – 2023. – Vol. 104, No. 4. – P. 710-723.

ISSN 2181-9300

DOI Journal 10.26739/2181-9300

БИОМЕДИЦИНА ВА АМАЛИЁТ ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ БИОМЕДИЦИНЫ И ПРАКТИКИ
JOURNAL OF BIOMEDICINE AND PRACTICE

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000